



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 218 (10.271)

2004 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кўска

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро муносабатлар факультети биринчи босқич талабалари иштирокида «Уйғониш даври маънавияти», «Миллий қадриятлар» мавзуларида уюштирилган очик мулоқотда «Маънавият ва маърифат» марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими вакиллари иштирок этишди.

● **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика таълим маркази ҳамкорлигида ташкил этилган семинар ўқув дарсликлари сифатини яхшилаш масалаларига бағишланди.

● **МИРЗО** Улуғбек туман халқ таълими бўлими, туман халқ ижодиёти ўқув маркази ҳамкорликлариде ўқувчилар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов «Меҳринга тасанно, Меҳржон» деб номланди.

● **БУГУН** Йўлдош Охунбобоев номидаги тиббиёт коллежиде шифохоналарда фаолият юритаётган ҳамширалар иштирокида «Ҳамшира—2004» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● **АЙНИ** кунларда шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорликлариде ташкил этилган Ўзбекистон тасвирий санъати фестивали давом этмоқда.

● **БУГУН** Фестиваль доирасида «Замонавий санъатнинг муаммолари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз хабарларидан.

Чилонзор туманида
самарали фаолият
юритаётган корхоналар
орасида «ТЭКиК»
масъулияти чекланган
жамиятининг алоҳида
ўрни бор.

Иқтисодиёт

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мазкур корхона жамоаси 1992 йилдан буён ички бозоримизни тўлдириш мақсадида сифатли, чидамли, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган мини техникалар — дастгоҳ ва ускуналар тайёрланади.

Хозирги кунда 50 нафарга яқин малакали ишчи-хизматчилар 9 ойлик кўрсаткичларга кўра 30 хилга яқин, 22,5 миллион сўмлик мини техникаларни буюртмачиларга сотишга муваффақ бўлишди.


Булар жамият цехида ишлаб чиқарилаётган «МК-95» русумли тегирмон мажмуаси (соатиға 500 килограмм донни қайта ишлайди), «МКДВ» русумидаги кичик тегирмон, ёғ (ғўзапо ва писта) олинадиган машиналар, қўюлтирилган сут, помидор пастаси тайёрланадиган машиналар, дастгоҳлар жуда харадорғир бўлиб, улардан республикамизнинг барча вилоятларида самарали фойдаланилмоқда.

Жумладан, вакуумли макарон, печеньелар тайёрланадиган дастгоҳлар пойтахтимиздаги «PGS» хусусий кор-

хонаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилмоқда. Давр талабидан келиб чиққан ҳолда корхона тadbirkorлари хар бир яратаётган дастгоҳларини пухта ўйлашди хориж технологиялари билан таққослаган ҳолда, асосий эътиборни сифатга қаратмоқдалар. Эътиборлиси, буюртмачиларга нисбатан арзон нархларда етказишни мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Жорий йилда ҳам «ТЭКиК»чилар яна бир янгиликка қўл урдилар. Улар қишлоқ хўжалик ходимлари учун жуда зарур ҳисобланган, авваллари фақат хориждан келтирилган ёки нархи анча қиммат бўлган маҳсулот — мини трактор яратишга муваффақ бўлдилар. Хозирги кунда далада янги тракторнинг синовлари давом эттирилмоқда. Далаларда мазкур қўл ва руль орқали бошқариладиган трактор ҳадемай қишлоқ меҳнатқашларининг ҳақиқий ёрдамчиларига айланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА



СУРАТЛАРДА: «ТЭКиК» масъулияти чекланган жамиятининг раҳбари Евгений Трохимович ҳамда малакали сазовчи Тolibжон Худойбердиевлар иш устиде; корхонанинг вакуумли макарон ишлаб чиқарувчи машинаси харадорғирлиги билан ажралиб туради.

Ҳакимжон Солихов
олган суратлар.

XXI сағоси

Барча мазбаладан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фармойишига мувофиқ «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичига бағишланган «Оролбўйи оналари ва болаларига» шiori остида умумреспублика ҳашари бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ўтказилган вилоят семинар-кенгашида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масалаҳатчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги Фармонида белгиланган вазифаларнинг қандай амалга оширилгани сархисоб қилиниб, келгуси режалар белгиланди.

● Табиати муҳофаза қилиш идоралари вакиллари, олимлар, мутахассислар ва журналистлар иштирокида Тошкент вилоятида ўтказилган кўча-семинар қатнашчилари Олмалик шаҳридаги «Аммофос» акциядорлик жамиятида атроф-муҳитни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишишди.

● «Камолот» ЁИХ Бойсун туман Кенгаши туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказган меҳнат йрмаркаси давомида 27 нафар ёрмарк иш билан таъминланди.

● Фарғона шаҳрида ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон ва Қирғизистон полковлари ҳам иштирок этди.

● Ўрта Чирчиқ туманидаги «Аранчи» аэродромида ёшлар ўртасида авиа ва ракетамодел бўйича Республика уйинлари бўлиб ўтди.

● Бельгия пойтахти Брюсселда Европа Иттифоқи давлат ва ҳукумат раҳбарлари раис Жозе Мануэл Дурао Баррозу томонидан таклиф қилинган Европа Комиссиясининг янги таркибини тасдиқлади.

● НАТОнинг бош котиби Яап де Хооп Схеффер Грузияга таширф буюрди.

● Англия пойтахти Лондон шаҳридан 60 километр нарироқда йирик темирйўл ҳалокати рўй берди. Теззорар поезднинг автомобиль билан тўқнашиб кетиши натижасида поезд издан чиқиб кетиб, барча вагонлар кулади. Оқибатда 10 дан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмди, 150 га яқин йўловчи тан жароҳатлари олди.

● Япониянинг Ниигата префектурасида икки ҳафтадан буён ўн олтинчи бор қайд этилган, Рихтер шкаласи бўйича 5 балли зилзила содир бўлди.

● Интернет тармоғида Bagie номли электрон почта вирусининг янги эпидемияси тарқалди.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги курултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан сайланган делегатлар — партиянинг 580 минг кишилик аъзоларининг вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши биринчи котиби А.Рустамовнинг ҳисобот маърузасида партия ташкилотларининг ўтган даврдаги фаолияти, амалга оширилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

Курултойда партиянинг Сайловолди дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг II курултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларидан сайланган 245 нафар делегат иштирок этди. Курултойин партия марказий кенгашининг биринчи котиби А.Турсунов очди.

61 минг нафардан зиёд аъзога

эга мазкур партия мамлакатимиз парламенти қуий палатасида ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида кўпроқ ўрин олиш учун ҳаракат қилаётир. Анжуманда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишда партия фаоллари ҳам муносиб ҳисса қўшаётгани алоҳида таъкидланди.

Курултойда партиянинг Сайловолди дастури тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

ЎЗА

Иқтисодий

МАҲАЛЛИЙ
ХОМ АШЁДАН

Бозор омбор учун эмас, харидор учун ишлаб чиқаришни талаб этаётган бугунги кунда маҳсулот сифати ва турларига эътибор қаратаётган тadbиркорлар ўз истикболларига ҳам замин яратишмоқда.

«Зебуннисо она» хусусий фирмаси тadbиркорлари ҳам ўтган 6 йиллик фаолиятлари давомида маҳсулот турларини 6 тадан 60 хилга етказишгани бозорни ўрганиш асосида иш юритаётгани самарасидир. Ўтган давр мобайнида корхонага Россиядан келтирилган замонавий линиялар асосида ишлаб чиқариш цехлари кенгайиб, ишчи-хизматчилар сафи бир неча ўн баробарга ортди.

— Асосан маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганимиз боис, — дейди корхона маркетинг хизмати бошлиғи Фахриддин Холмухамедов, — қандалат маҳсулотларининг турларини тез-тез янгилашга, уларни харидор дидига мос тарзда қадоқлашга эришяпмиз. Маҳсулотларни тайёрлашда 90 фоиз маҳаллий хом ашёдан фойдаланамиз. Пойтахтимизда 2 та фирма дуконимиз мавжуд бўлиб, келгусида харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олиб янгиларини ҳам очишга ҳаракат қилаёلمиз. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси асосий буюртмачилар сифатида қиради. Маҳсулот сифатига қаратаётган муҳим эътибор эса буюртмалар сонининг ортишида асосий омил бўлмоқда.

Жорий йилда корхона тadbиркорлари томонидан 6 турдаги янги маҳсулот тайёрланди. Айниқса, жаҳон андозлари даражасида қадоқланган мева-вафли ва янги ёрликлар билан ишлаб чиқарилаётган сутли вафли маҳсулотлари харидорларни ҳушунд этди. Айни кунларда корхонада янги йил байрам дастурхонига ва болажонларга сифатли ва маза-ли ширинликлар тайёрлаш ҳозирлиғи қўрилмоқда.

ЭЛЕКТР
ЖИҲОЗЛАРИ
ЧИҚАРИЛМОҚДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Тошэлектроаппарат» кўшма корхонасининг ташкил этилганга кўп вақт бўлмасида, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Корхонада паст ва баланд вольтли электр жиҳозлари тайёрлашга эътибор қаратилган бўлиб, ўтган икки йил давомида маҳсулот турлари 32 хилдан ҳам ортиб кетди. 100 нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнати эвазига тайёрланаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар Россия, Украина, Тожикистон сингари мамлакатларда ўз харидорини топмоқда.

— Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган электр жиҳозларининг 80 фоиз бутловчи қисмларини корхонанинг ўзида тайёрлашга эришяпмиз, — дейди бош менежер Жўра Авазов. — Келгуси йилдан маҳсулот турларини янада кўпайтириб, экспорт ҳажмини ҳам оширишни режалаб турибмиз.

Шарофат БАХРОМОВА

Сайловлар олдидан

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кун

ёғарлик бошлаб юборилган. Хусусан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ Тошкент шаҳри бўйича ташкил этилган 60 та сайлов округларида ҳозирда иш қизғин.

ЖОЙЛАРДА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚАНДАЙ?

Биз Собир Раҳимов туманидаги 23-Тансиқбоев сайлов округида бўлиб сайлов жараёнига кетаётган тайёргарлик билан танишдик. Тумандаги банк колледжида жойлашган ўшбу сайлов округида кенг фаолият юритиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани кишини хурсанд қилди.

— Сайлов округимиз 19.700 сайловчини бирлаштириди, — дейди бизни кутиб олган округ сайлов комиссияси раиси Зайниддин Худойбергенов. — Фаолият юритишимиз учун зарур жиҳозлар, жумладан компьютер, телефон, ксерокс, канцелярия анжомлари билан тўлиқ таъминланганмиз. Шунингдек, сайловга оид адабиётлар, керакли хужжатлар, Президент асарлари, матбуотда чоп этилган мақолалар ҳам сайловчилар учун тахт қилиб қўйилган. Бугунги кунгача сайловчилар билан бир қатор учрашувлар ташкил этилди. Кўни кеча тумандаги олтинта сайлов округлари бўйича семинар ўтказилди. Албатта бу учрашувларда катнашчиларга икки палатали парламент ҳамда унинг асосий вазифалари, сайлов қонунчилиги тўғрисида батафсил тушунчалар берилди.

Булардан ташқари бизга сайлов жараёни билан қизиқиб, керакли маълумотларни олиш бўйича савол билан мурожаат қилаётган ҳар бир фуқарога тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилмоқдамиз. Кўн давомида комиссияда навбатчилик ташкил қилинган. Эндиликда аъзоларимиз бевосита тушунтириш ишларини маҳаллаларга чиқиб олиб боришни режалаштирган. Саволлар билан мурожаат қилаётган ташаббускор гуруҳларга ҳам тўғри, аниқ ва содда йўл-йўриқлар кўрсатяпмиз. Айни пайтда барча ҳаракатларимиз участка сайлов комиссиялари таркибини муносиб кишилардан шакллантириб, сайловларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган, — деб хулоса қилди Зайниддин Худойбердиев.


Шуни таъкидлаш жоизки, Собир Раҳимов туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 4-Қорақамish сайлов округи ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 6 та округлар жойлашган. Туман фуқаролари сайлов кун 74 та сайлов участкаларига келиб овоз беришади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, икки палатали парламентга илк бор бўлиб ўтаётган сайловлар мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолади. Бунда ҳамиятнинг бошланғич бугини ҳисобланган ёшларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Зеро, шу йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтаётган сайловларда 3 миллиондан ортиқ йигит-қизларимиз овоз беришади.

Кўни кеча Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетидида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси шаҳар Кенгаши вакилларининг университетининг инглиз филологияси факультети талғили билан учрашуви бўлиб ўтди.

Маъзур тadbирни ўтказишдан асосий мақсад, партиянинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифа-

Шу кўни биз шаҳримиздаги бошқа сайлов округларининг иш фаолияти билан ҳам қизиқиб кўрдик. Бу хусусда гап борганда, Акмал Икромов туманидаги 193-мактабда жойлашган 4-Шодлик сайлов округини мисол келтиришимиз мумкин. Бу жойда ҳам тайёргарлик иш-



лари яхши йўлга қўйилган. Бино ва хоналар сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказиш учун барча талаб этилган меъёр ва қоидаларга мувофиқ равишда танланган. Округ комиссиялари учун меъбел, теле-радио апаратура, компьютер, телефон алоқаси билан жиҳозланган иккитадан хона ажратилган. Хонада бўлажак сайловларга оид адабиётлар мавжуд.

Лекин шаҳримиздаги барча сайлов округларида тайёргарлик ишлари қоникарли даражада деган фикрга келишимизга ҳали эрта. Бўлажак сайловлар бугунги кўннинг долзарб масаласига айланган бўлсада, ҳали айрим жойларда ўшбу кампанияга етарлиқ эътибор берилмаётганлигини рўй-рост тан олишимиз керак. Тўғри, шаҳримиздаги кўпчилик сайлов округларида ва уларнинг ҳудудида жойлашган маҳаллаларда, йирик қороналарда сайловга бағишланган йиғилишлар ва давра суҳбатлари ўтиб турганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин умуман олганда тайёргарлик ишлари оммавий тус олганича йўқ. Хусусан, аҳолига тушунтириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари ҳали ҳануз қороналарга, узок ва чекка ҳудудларга тўла кириб бормаган. Фикримизнинг исботи учун бир мисол келтирайлик. Йўл-йўлакчи бораётган баъзи бир ҳамшаҳарларимизни суҳбатга тортдик. Уларнинг сайловлар хусусидаги билим-

лари билан қизиқдик. Кўпчилик икки палатали парламентга сайловлар ҳақида умумий тушунчага эга бўлсада, лекин Сенат ва Қонунчилик палаталарининг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида фикрларини тўлиқ баён эта олмади. Шунингдек, суҳбатдошларимиздан «Икки палатали парламентнинг афзалликлари нимада?» деган саволимизга ҳам қоникарли жавоб ололмадик.

Шу ўринда ҳамшаҳарларимизнинг эътиборга молик бўлган баъзи фикрларини келтириб ўтишни ҳам жоиз деб билдик.

— Бу йилги сайловларда тарғибот-ташвиқот ишлари намунали йўлга қўйилишини истардик, — дейишди улар. — Сайловчи ким, қайси номзодга овоз бераётганини яхши билиб кейин овоз берсин. Сайловчи яна бир нарсани билиб олиши муҳим. Ҳозирги депутат олдингисидан фарқланади. Энди у сайловчи «наказини» бажарувчи эмас, ҳуқумат доирасида


турли қонунларни қабул қилиш ваколатига эга бўлган шахс. Шундай экан, аввало ҳар бир сайловчи юқори палата — Сенатнинг, қуйи палата — Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ва мутлақ ваколатлари нимагадир иборат эканлигини яхши тушуниб олса мақсадга мувофиқ бўларди. Ана шундагина у номзодлар билан бўладиган учрашувларда йиғилишга мутлақ алоқаси йўқ саволлар билан кўпчиликнинг бошини қотириб ўтирмасди.

Албатта, номзодлар билан учрашув онлари тобора яқинлашаётган давларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда юқорида билдирилган фикрларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз.

Биз ўшбу мақолани тайёрлаш жараёнида тайёргарлиги тўлиқ бўлмаган айрим сайлов участкаларини номма-ном келтириб, улардаги камчиликлар хусусида батафсил сўз юритиб ўтирмадик. Улар ҳам сайловлар мuddати тобора эшик қоқайтганини эътиборга олиб ўз иш фаолиятларида яхши томонга ўзгариш ясадилар, деган умиддамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА,
Махмуд КОМИЛЖОНОВ
СУРАТЛАРДА: 23-Тансиқбоев сайлов округидаги сайловга тайёргарлик жараёнидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов
олган сураатлар.



Сиёсий партиялар ҳаётидан

ТАЛАБАЛАР БИЛАН
УЧРАШУВ

Республикаимизда сайлов кампанияси бошланганига ҳам бир ойдан ошди. Шу вақт мобайнида турли жамоат ташкилотлари, маҳалла ва ўқув муассасаларида сайловчилар билан учрашувлар, сиёсий партиялар вакиллари иштирокида бўлиб ўтаётган йиғинларда сайлов жараёни ҳақида муайян тушунчалар берилмоқда, ўзаро фикр алмашилмоқда.

парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловларга доир қонунчилик хужжатлари билан уларни та-

ган Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг

имкониятлари, сайловолди платформаси хусусида ўзларининг фикр ва мулохазаларини билдириши, қизиқтирган саволларни бериши. Айниқса, уларда Тошкент шаҳри туманларида фаолият олиб бораётган «Ёшлар қаноти» ёш сайловчилар клуби вакилларининг чиқишлари катта қизиқish уйғотди.

Шунингдек, ўшбу тadbирда энг фаол иштирок этган талабаларга Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси шаҳар Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўтказилган тadbир давомида талабалар сайловолди жараёнлари ҳақида ўзларини қизиқтирган кўпал саволларга атофлича маълумот олишди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Маши

ХАЛҚАРО
ЛОЙИҲА
ДОИРАСИДА

«Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» Ўзбекистонда амалга оширилаётганга икки йил бўлди. Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити негизда юзга келган бу нуфузли лойиҳа бўйича қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-хунар коллежларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш тadbирлари кўрилди.

Шунга кўра республикамиздаги 50 та коллеж тракторлар, дастгоҳлар, двигател қурилмалари каби жиҳозларга эга бўлди.

Бундай хайрли ишни рўёба чиқаришда «Тошкент трактор заводи», «Чирчиққишлоқмаш», «Ўзбекиқишлоқмаш» сингари корхоналар ҳам яқиндан бош қўшдилар. Бундан ташқари Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошор» хиссадорлик жамияти ҳам ўз махсулотларини коллежларга етказиб беради. Шу тарика билан даргоҳларнинг ўқув лабораториялари ҳам техникалар билан бойийди.

ИНТЕРНЕТГА
ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисобининг илмий стандарти асосида қатор қўлланмалар босмага тайёрланмоқда. «Бухгалтерия хисоби назарияси» деб номланган дарслик эса ана шу йўналишда илк бор тайёрланган ўқув қўлланмаси сифатида чоп этилди.

Янги дарсликни яратишда хориж ва маҳаллий назариячи олимларнинг илмий асарлари ҳам қўл келди. Айни вақтда бугунги кун талаблари асосида ёритилган маълумотлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Мазкур дарсликнинг русча таржимаси ҳам нашр этилди. «Бухгалтерия хисоби назарияси» дарслигининг электрон тарққини эса Тошкент Молия институтининг Интернет тармоғи сайтига жойлаштирилди.

КАФЕДРА
ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ

Мамлакатимизда фаннинг полимерлар физикаси ва кимёси йўналишида кенг қўламли илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Миллий университети кимё факультети лабораторияларида амалга оширилаётган тадқиқотлар ҳам самарали бўлмоқда.

Факультетнинг полимерлар кимёси кафедраси тадқиқотчи олимлари яратган янги хил полимер материаллардан халқ хўжалигида кенг фойдаланишмоқда. Шу сабабдан бундай изланиш натижалари Россиядаги мутахассис олимларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

Термосезгир полимерлар яратиш устида олиб борилган тадқиқотлар натижаси илмий-амалий аҳамият касб этди. Бу хилдаги полимерлар ўзининг кимёвий хоссаси билан ҳам ажралиб туради. Ундан ҳароратнинг ўзгаришини ўлчаида замонавий термометр янглиғ фойдаланилади.

Кафедра бакалавр ва магистрлари яна қатор илмий муаммолар ечимини топишда самарали изландилар.

Ақбар АЛИЕВ

Мақбoлар

ЗУЛФИЯХОНИМ
ИЗДОШЛАРИ
КЎПАЙМОҚДА

Ҳар йили намунали хулқи, аъло баҳоларга ўқиши орқали тенгдошларига ўрнатилган энг иқтидорли, шеърят, санъат ва адабиётга ихлосманд кизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланиб келмоқдалар.

Дарҳақиқат, сеvimли шоирамиз издошлари сафидан ўрин олаётган доно, зукко, билимли, юксак истеъдод эгалари бўлган гўзал ва лобар кизларимиз сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги қувонарлидир.

Куни кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Зулфияхоним кизлари» кўрик-танловининг Миробод туман босқичи бўлиб ўтди. Танловда беш йўналиш, яъни фан, таълим, санъат, адабиёт ва маданият йўналишлари бўйича туманининг 14 нафар иқтидорли кизлари ўзаро беллашдилар. Мазкур танлов икки босқичдан иборат бўлиб, «Мен ва менинг орзуим» ҳамда «Менинг қизиқчиларим» деб номланди. Ўшбу мавзулар бўйича кизлар сахнада ўз маҳоратлари, санъатлари, ўткир зеҳн ва юксак қобилиятларини намойиш этдилар. Танлов иштирокчилари орасида шеърят шайдолари, ўткир мўкалам соҳиблари, қўли гул чеварлари нафис санъат, мусикага ошно кўнгилларнинг иқтидорларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари адолатли баҳолаб бордилар. Қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар билан ўтган танлов сўнггида доно кизлар ичидан энг саралар аниқланди. Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг талабаси Г.Хўжаева (таълим), ўшбу институт талабаси К.Перимкулова (таълим), Тошкент фармацевтика институтининг аспиранти М.Зиёмухамедова (фан), Тошкент Давлат автомобиль йўллари институти талабаси Д.Содиқова (адабиёт), Тошкент политехника касб-хунар коллежи талабаси Н.Жўраева (санъат), Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси У.Рустомова (адабиёт), 110-умумтаълим мактаби-

нинг 11-синф ўқувчиси Л.Байкенова (санъат), Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси

Р.Йўлдошева (маданият) йўналишлари бўйича ғолиб деб топилиди. Эндилкида ўшбу ғолиба кизлар «Зулфияхоним кизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичида иштирок этадилар.

Нихоятда кизиқарли, мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтган мазкур танловда барча иштирокчилар ҳомийлар томонидан Фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бугунги танловда иштирок этган кизларимизнинг ҳар томонлама билим ва қобилиятларини кўриб кўнгилмиз қувончга тўлди. Айниқса уларнинг санъат, адабиётга ихлослари баланд эканлигини, таълим соҳасида олиб бораётган илмий изланишларининг ғувоҳи бўлиб фахрландик, — дейди Миробод туман хотин-кизлар қўмитасининг раиси Муҳаббат Зоҳидова. — Албатта бундай иқтидорли кизларни қўллаб-қувватлашимиз, уларни мустақил Ўзбекистонимиз ривожига ҳисса қўишларида кенг имкониятлар яратишимиз лозим. Зеро, келажаги буюк давлатимиз мана шундай ҳар томонлама етук, истеъдодли, билимли ёшларимиз қўлидадир.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бугунги кунда туманлар бўйича ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танловда иштирок этаётган бир-



бирдан лобар, оқила, доно кизларимизга бағишлаб сеvimли шоирамиз Зулфияхоним ҳам ўшбу мисраларини битган бўлса ажаб эмас.

Салом менинг азиз дўгоналарим,
Азизим, лобарим, чеварим кизлар,
Эй тоза қалбимнинг ошнолари,
Кўйларим илҳоми, сеvimим кизлар...

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним кизлари» кўрик-танловининг Миробод туман босқичидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.

ДОЛЗАРБ СЕМИНАР

Ўқувчиларни янги, замонавий ўқув материаллари ҳамда адабиётлар билан таъминлаш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бешта асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган амалий семинар ўшбу долзарб мавзуга бағишланди.

Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидониовнинг сўзларига қараганда, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қатор чоралар кўришмоқда. Жумладан, ўқув адабиётлари мазмунини янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари талабларига кўра такомиллаштириш, уларнинг дизайни сифатини ошириш ва ўқув адабиётларини яратиш жараёнида рақобат муҳитини шакллантириш, ёш муаллифлар ва муаллифлар жамоаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида заирлик дарсликларини танлов асосида яратиш амалиётини жорий қилди.

Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг асосий тамойиллари барча яштирокчилар учун тенг шароит яратиш, баҳолашда ошқоралик ва ҳолислик, талабларнинг ягоналигини, Танловда ўқув адабиётлари яратишда катта тажрибага эга муаллифлар билан бирга ёш илмий-педагогик кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Чунонки, 2004 йил

25 октябрда 6 ва 7-синфлар учун бир қатор дарсликларни яратиш бўйича танлов эълон қилинди.

2001 йилдан бошлаб умумтаълим мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Ҳозирги вақтда иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва тўққизинчи синфлар ўқувчиларига базис дарсликларини ижарага олиш имконияти яратилган. 2005/2006 ўқув йилида эса олтинчи ва еттинчи синфлар ўқувчиларига ҳам бундай имконият бериш режалаштирилмоқда.

Вазирлик аввалги йилларда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш билан боғлиқ барча масалалар ва камчиликларни таҳлил қилиб, ҳар бир мактабнинг дарсликларга бўлган эҳтиёжини батафсил ўрганмоқда. Олинган маълумотлар асосида ҳар бир мактабнинг бюржумасига кўра дарсликларни нашр этиш йўлга қўйлади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Тошкент SOS болалар маҳалласида бельгиялик сайёх Филлип Гелхенден иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда жаноб Гелхенден ташаббуси билан «SOS Киндердорф интернейшнл» ташкилоти ёрдамида амалга оширилаётган Москва-Самарқанд — Тошкент-Владивосток мототури лойиҳаси ҳақида сўз борди.

SOS БОЛАЛАР
МАҲАЛЛАСИГА КЎМАК

1998 йилда Ўзбекистон ҳукумати ва «SOS Киндердорф интернейшнл» ташкилоти ўртасида Тошкентда SOS - болалар маҳалласини ташкил этиш ҳақида шартнома имзоланган эди. 2000 йилда Тошкент SOS - болалар маҳалласи ўз ишини бошлади. Ўшбу болалар маҳалласини ташкил этиш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Шуниси эътиборлики, бундай болалар маҳалалари дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида мавжуд. Москва-Самарқанд — Тошкент-Владивосток мототури лойиҳаси доирасида ўз сафарини бошлаган бельгиялик сайёх турли мамлакатларда бўлиб, у ердаги болалар маҳалалари билан танишди.

— Мототурни ўтказишдан мақсад, Бельгиядаги жами-

ятни мана шу болаларнинг муҳтожликлари, камчиликларига ҳамда эҳтиёжларига нисбатан кўпроқ жалб қилиш, — деди сайёх. — Мен турли мамлакатларда SOS болалар маҳалаларида бўлиб, уларнинг иши билан яқиндан танишдим. Лойиҳадан кўзланган яна бир мақсад, ҳомийлар томонидан ажратилган 23 миң евро миқдоридидаги маблағни Ўзбекистон ва Қозғистонда янги қурилаётган болалар маҳалласига сарфлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда болалар маҳалласида 3 ёшдан 16 ёшга бўлган 92 нафар ўғил-қиз ягона оила бўлиб истикомат қилади. Шундай болалар маҳалласи Самарқанд вилоятида ҳам барпо этилмоқда.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

Ширкатларга

ЯХШИ НИЯТ
БОР ЖОЙДА...

«Кушбеги-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Муборак Хўжаева биз билан суҳбатлашар экан, камтаринлик билан «Фақат мен ҳақимда ёзмамлар, жамоамиз аҳли, уларнинг яшовчилар билан ҳамжиҳатликда амалга ошираётган ишларини ёритсанлар», дея илтимос қилди.

Биз унинг илтимосига розилик билдирган бўлсакда, лекин ваъданини бажара олмадик. Негаки, ширкатда бажарилган ва айни кунларда амалга оширилаётган, келгусида мақсад қилинган ишлари жамоа раҳбарининг сай-ҳаракатларисиз тасаввур эта олмадик.

Авалло, этиборимизни ширкат идорасидаги йўлақларга оқилган турли стендард жалб этди. Уларда ширкатга бирлашган кўп қаватли турар жой бинолари чизмаси, уларнинг ҳудудидида жойлар довраҳтарлар аниқ кўрсатилган. Шунинг баробарида ҳар бир уйда амалга оширилган ишлар ранглар жиҳосида аниқлаб қўйилган. Энг асосийси эса уларнинг барчасини Муборак опанинг ўзи чизган экан. Асли мутахассислиги муҳандис-курувчи бўлган ширкат раҳбари коммунал соҳада ҳам анчагина тажриба тўплаганлиги кўриниб турибди.

Опа билан суҳбатимизнинг асосий мавзуси қишга тайёргарлик ҳусусида кечса-да, ўз-ўзидан ширкатдаги барча уйлар ҳолати, уларда яшовчи мулкдорларнинг кайфияти ҳақида, ўтган икки йил мобайнида амалга оширилган юмушлар тўғрисида ҳам билиш истагиди эди. Ширкатга 42-уй бирлашган бўлиб, уларда 3047 та хонадон аҳли истиқомат қилади. Муборак опадан шунча уйга хизмат кўрсатиш, яшовчилар билан тил топишишнинг ўзи бўлмаса керак, дея сўраганимизда, у киши.

— Албатта, ҳар бир кўп қаватли уйнинг, унда яшовчиларнинг ўз муаммолари бор. Энг муҳими эса уларни ўрганиш керак, — деди, безътибор қолмаслиги эса жуда зарур. Тўғри уйлар кўп, лекин ҳаммаси ишни яхши ташкил этишга ҳам боғлиқ. Айниқса, жамоа аҳли, кадрлар тўғри танланган бўлса, бемалол ишласа бўлади. Баъзан эрта тонгдан кечгача, вақти келса кечкурунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Ахир 7626 та яшовчининг қулайлигини таъминлашнинг ўзи бўлмайди-да. Масъулиятини олдинги, уни ҳис этиш, астойдил меҳнат қилиш, миқдорлар ишончини қозониш лозим.

Ширкат раҳбари ҳар кун 2 маҳал — эртапаб ва тушдан сўнг уйларни айланиб, бажарилмиш бўлган ва амалга оширилган ишларни бирма-бир кўради, назорат қилади. Ушбу назорат натижалари эса эртапаб ва кечки ходимлар йиғилишида муҳокама этилади. Натижа ёмон эмас — ҳар бир ходим вазифасини бус-бутун уйдлашга интиломда.



Бугунги кунга келиб ширкат тасарруфидаги уйларнинг 17 таси тубдан таъмирланди, шулардан иккита катта уйлар таъмирини ширкат ўз маблағлари ҳисобига бажарди. 2005 йилда эса яна 11 та уй тубдан таъмирланиши кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳар йили жорий таъмирлаш ишлари ҳам мукаммал бажарилимоқда.

— Бу борада бизга шаҳар ва Яккасарой туман ҳокимлиги кат-

берилди.

Мана, иссиқлик узатиш ҳам бошланди. Ширкат тасарруфидаги барча уйларга иссиқлик бериш баробарида ҳозирда чи-лангар-сантехник ва пайвандчи-ларнинг бир зум бўш вақтлари йўқ. Чунки аниқланган айрим камчиликлар тугатилмоқда, барча хонадонларнинг иссиқ бўлишига эришишга ҳаракат қилинмоқда. Бунинг учун эса ширкатда барча хом ашё захираси мавжуд. Хазонрезги кунларда уйлар атрафидаги 12 фаррошга яшовчилар билан биргаликда ҳашарлар ююштирилиб кўмак берилмоқда. Бу борада ширкат раҳбарининг энг аниқ кўмакчилари — Светлана Макарича, Зоя Тен, Ольга Кононова, Равшан Султонов, Анатолий Курбонов, Неймат Умаров сингари ходимларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда. Қарздорлиқни тугатишда, тўловларни йиғишда уй бошқарувчилари ва маҳалла билан ҳамкорлик самара бермоқда. Айниқса, «Кушбеги» маҳалласи бу борада кам таъминланганларга моддий кўмак бермоқда, яшовчилар ўртасида тушунтиришлар олиб бор-моқда.

Тўғри, бу ерда мулкдорлар кўпчилиги. Уларнинг ҳаммасини бирдай рози қилиш учун эса ҳали анча ҳаракат, кўпроқ меҳнат қилиш керак. Лекин ширкат бу борада ҳам иш-ишларнинг кўмакига муҳтож. Чунки уларнинг мулк эгаси эканлигини, уни авайлаб-асраш лозимлигини унутмасликларни фақат ўзларига фойда бўлади.

Барча уйлар тубдан таъмирлангач, — дейди опа режалар ҳусусида тўхталар экан, — йўлакларни таъмирлаш, ён-атрофдаги довраҳтарларга чи-

роил шакл бериш, болалар учун 2 та уйин ва спорт майдончалари бунёд этишни кўзда тутганимиз.

Ха, ният бор жойда ҳаракат ҳам бўлади. Фақат бунда яшовчилар ҳам бир ёқдан бош чиқариш лозим. Ахир мавзе чиройи, уйлардаги қулайлик улар турмушининг ёрқин акси-ку.

Шарифа ИЛЕСОВА
СУРАТЛАРДА: яшовчилар билан суҳбат яхши самара беради; ширкат раҳбари Муборак Хўжаева ва бош муҳандис Светлана Макарича бажарилган ишлар ҳусусида суҳбатлашмоқда; чилангар-сантехниклар Равшан Султонов ва Евгений Бибики хизматга шай.

Хокимжон Солихов олган суратлар.

Албатта, бундай нурафшонлиқни таъминлашда, шахримиз тунги жамолини янада кўркамлаштиришда ушбу соҳанинг мукаммал усталари — «Тошхазор» давлат унитар корхонаси нурсозларининг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Уларнинг изланишлари, янгиликка интилишлари, хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқада иш юритаётганликлари кундан кунга чирой очиб бораётган тунги Тошкент жамолида яққол акс этиб турибди.

Корхонада фаол меҳнат қилаётган, қалбидаги гўзаллик ёғдусини ўз иши, иштиёқи билан пойтахтимиз оқшомига кўчирётган усталар кўпчилигини ташкил этади. Аммо улар орасида қариб 40 йил-дирки, ҳурмат-этибор, ҳамкасблари меҳрини қозонаётган Турсун Хўжаевнинг алоҳида ўрни бор, десак асло муволаға бўлмайди. Корхонанинг автоматика, телемеханика ва алоқа (АТС) хизмати етакчи муҳандиси сифатида фаолият кўрсатган Турсун Хўжаев 1964 йилда шоғирликдан иш бошлаган.

Шоғирд ўқувли бўлса, нафақат устозини мамун этади, балки ундан ҳам ўзиб кетади. Турсун Хўжаев ҳам устозлари Анвар Мавлонов, Виталий Рудаминскийлардан соҳа сирларини ўрганар экан, билимли ва лаёқатли эканини тезда намоён этди. Шу боис ҳам орадан бир йил ўтмай мустақил равишда уста бўлиб ишлай бошлади.

— Оилавий шароитим туфайли Тошкент Давлат университетини тугата олмадим, иш бошлашга мажбур бўлдим, — дейди Турсун Акбарович. — Лекин бундан афсусланмай, бор меҳримни ишга

баҳишда этдим, ишимни миридан сирингача эринмай ўргандим. Натижада кўп ўтмай ҳаракат ва изланишларим самара бериб Яккасарой тумани кўчаларини ёритиш тармоқларига раҳбар этиб тайинланди. 18 йиллик меҳнатимни туман кўчалари ва маҳаллалари нурафшонлигини

маслаҳатлари асосида иш юритишда. Айниқса, Наврўз, Мустақиллик байрамлари арафасидаги майдон ва кўчаларни безатиш ишларида Турсун Хўжаевнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш бўлади. Ўзбекистон шоҳқўчасидаги оқшомда товланувчи юртимиз байроғини, Ша-

Ҳиссондорларимиз

ҚАЛЕБДАГИ ЁҒДУ
МЕҲНАТГА КЎЧСА...

Пойтахтимиз кўчаларини оқшомда кезиб, ҳиёбонларида иш чарчоларини ёзиб, шунинг туғдурларидан баҳраманд бўлганимиз? Чиндан ҳам Тошкент оқшомдаги ёғду, фараҳбахш ва нурафшон. Турли рангларда товланувчи чироқлар, нафақат йўлингизни ёритади, балки шоҳқўчаю майдонларга, бекату ҳиёбонларга файз бағишлаб кўзингизни кувнатади, дилингизни яйратади.

таъминлашга бағишладим.

Кейинги йилларда эса уста нурсоз корхонанинг турли бўлимларида ўз маҳоратини намоён этиб, турли лавозимлардан соҳа сирларини ўрганар экан, билимли ва лаёқатли эканини тезда намоён этди. Шу боис ҳам орадан бир йил ўтмай мустақил равишда уста бўлиб ишлай бошлади.

— Оилавий шароитим туфайли Тошкент Давлат университетини тугата олмадим, иш бошлашга мажбур бўлдим, — дейди Турсун Акбарович. — Лекин бундан афсусланмай, бор меҳримни ишга

роф Рашидов шоҳқўчасидаги чироқлар иллюминациясини, Мустақиллик майдонидagi панноларни монтаж қилишда устанинг хизматлари беқеълигини таъкидлаш ўринли. Пойтахтда биринчи бўлиб иллюминацияни ўрнатадиган электрон ускунани яратиб, Анхор кўпригига ўрнатган ҳам Турсун Хўжаевдир. Турсун акани нурсоз-рассом десак янглишмаган бўламиз. Негаки, у мўйлакам билан эмас, чироқлар ёғдуси билан мўйхиза яратади, одамларни баҳраманд этади. Юртимизнинг шодиёна кўчаларида ушбу бригадада аъзолари билан барча вилоятлардаги

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ
ХИЗМАТИ:
ИСТИҚБОЛ ВА МУАММОЛАР

— Айни ҳазонрезги кунларда жамоамиз аҳлининг ишлари ниятда қизиган, — дейди Ободонлаштириш бош бошқармаси бош агрономи Лазоқат Исмолова. — Шунинг баробарида қишга тайёргарликни ҳам ниятда қизиктирдик. Ҳозирда шахримиз бўйича фақат йиғилган хазонларни олиб чиқиб кетиш учун 150 та автотранспорт воситаси ажратилган бўлиб, ҳар бир туманда уларни компост қилиш ишлари ташкиллаштирилган. Мавжуд гулхоналарнинг барчаси қоғилиб, қишқи ва баҳорги гул навларидан 300 минг туپ ўтказишга муваффақ бўлинди. Шоҳқўча ва кўчалардаги дарахт шохларининг қишда автотранспорт воситаларига халақит бермасликларини инобатга олиниб, шакл бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Ариқ ва каналлар, майда сув шохобчаларини тозалашга ҳам алоҳида этибор қаратилган. Кўп йиллик гуллар сирасига қирадиган атиргуллар гулчиликнинг томонидан қирқилиб, со-вукдан ҳимоялаш мақсадида кўмилипти. Ҳиёбон ва кўчалардаги хазонларни йиғиш ишлари 1,5 сменада ташкил этилган. Айниқса, хазонларни ёқиб юбормасликка катта аҳамият қаратилган ва у ҳаммиза назоратда.

Баҳор тадоригини куздан бошлаб, манзарали дарахт-

лар, гул кўчатлари ўтказиладиган жойлар тайёрланмоқда, у ерларга ўғитлар солинмоқда. Маълумки, шахримиз чиройи, ободлиги ҳамиша эътиборимизда. Унинг йил-

бирлар режасига амал қилинган ҳолда меҳнат қилинши, — дейди бошқарма муҳандис-техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи Нозим Абдурахмонов. — Пойтахти-

Қиш — синоб даври

БУГУНИНГ ҲАРАКАТИ —
ЭРТАНИНГ БАРАКАТИ

Ҳар бир соҳа ходимларининг фасаларга хос юмушлари бўлади. Шу жумладан шахримиз озодлиги ҳамда покчилиги, кўчаларда гулзорлиги, эса-салқинлиги ва ободлигини таъминлашга муносиб ҳиссасини кўшадиган пойтахтимиз ободонлаштириш ходимларининг ҳам. Қишда фасалар баҳор таралду, кўзда эса қиш ҳозирлиги қизиб палла қиради. Негаки, шахримиз кўчалари, ҳиёбон ва майдонлари обод ва орасталиги, пойтахтимиз чиройи, манзарали дарахтлар турфа гуллар жамоли уларнинг самарали меҳнатларига боғлиқ.

дан йилга чирой очишини истаймиз. Бунинг учун эса янги гулхоналар ташкил этиш, шоҳқўчалар дизайнини янада тақомиллаштириш учун ландшафт архитекторлари жалб этилиб эскизлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Ушбу ишлар танлов асосида амалга оширилади. Кириб келаётган қиш пойтахтимиз баҳорига, қўчаларда кўркамлик бағишлайишмишга тайёргарлик даври эканлигини дилдан ҳис этамиз.

— Бошқармаимиз ходимлари ҳам қишга алоҳида ҳозирлик кўриш учун тал-

транспорт воситасига қор қураш мосламалари ўрнатилди. Қор юклагичлар тайёрлаб қўйилди. Яхмаканининг олдинги олиш мақсадида ҳозиргача 3,5 минг тонна кўм ва 2400 тонна туз захи-раси тўпланди ва бу жараён давом этмоқда.

— Шу ўринда бир савол туғилди: шахримиз шоҳқўча ва кўчаларининг мунтазам қорларини эритиш, кураш ишлари олиб бориш йўлга қўйилди, лекин йўловчилар юрадиган йўлакларчи? Кўпинча тоғиб, жароҳат олиш ҳолатлари ҳам учраб туради...

— Ҳар бир тумандаги ободонлаштириш бошқармаси фаррошлари ўз ҳудудларидаги йўлакларга ҳам жавобгар бўлиб, қорларни эритиш ва йўловчиларга қулайлик яратиш учун туз ва кўм аралашмасини сепишди. Қор ёққан кунларида эрта тонггача транспорт воситалари қатновининг меъёрий ҳолатда бўлиши учун бошқарма ходимлари кечаси ҳам ишлашади.

Ҳа, олдинда қишлоқ киши турибди. Унинг ўз фазилати баробарида машаққати ҳам етарли бўлади. Фақат яхши таралду, пухта тайёргарлик ана шу машаққатларини енгишда асосдир. Ахир бежизга «Бугуннинг ҳаракати — эртанинг баракати» дейилмаганку.

Дилноза ГИЁСОВА суҳбатлашди

Шарофат БАХРОМОВА

Қонун баргага баробар

ТЕКШИРУВДА АЁН
БЎЛДИ

Маълумки, 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ана шу қонун асосида кўп қаватли уйлар ширкатларга бирлашди. Пойтахтимизда ҳам ушбу қонунга асосан ҳозирги кунда 394 та уй-жой мулкдорлари ширкати мавжуд бўлиб, улар 9301 та кўп қаватли турар жой биноларини бирлаштирган. Ҳўш, уларнинг барчасида қонун доирасида иш юритилаётими? Истеъмолчилардан йиғилган тўловлар, яъни йиғилган маблағларнинг ишлатилиши, қандай сарфланиши бўйича ширкат раҳбарлари мулкдорлар олдида ҳисобот беришадими? Қандай қонунбузарликлар ширкат аъзоларининг эътирозига сабаб бўляпти? Бу ҳақда Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Мирағлам МИРЗАЕВ қуйидагиларни гапириб бери:

— Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан шаҳар ҳудудида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларида Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда уй-жойдан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ишхотларни амалга оширишга қаратилган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2004/2005 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 5 августдаги «Электр иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси юзасидан текширишлар ўтказилмоқда.

Республика бош прокуратураси топшириғи ижросини таъминлаш мақсади билан 2002 йилда бажарилмаган ишлар учун ҳужжатлар расмийлаштириш ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан кескин прокурорлик таъсир чораларини қўриш тўғрисида топшириқлар юборилган. Ўтказилган текширишлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, тегишли Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳоқимликлар ва уларнинг бўлиналари, шунингдек уй-жой мулкдорлар ширкатлари томонидан қоникорсиз таъминланаётганлигини кўрсатди.

Жумладан, «Фидокор коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари К.Филиппова ва ҳисобчи кассир И.Абдурахмоновлар узаро жиноий тил бириктириб, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш мақсадида фуқаролардан коммунал тўловлар ва фойдаланиш хизматлари учун тўлов қиладиганларни орқали 2003 йил давомида қабул қилинган 10.332,3 минг сўмлик пул маблағларини йўғиб банкка топширмасдан ўзлаштирилганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Чилонзор туман прокуратураси томонидан «Фидокор коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари К.Филиппова ва ҳисобчи кассир И.Абдурахмоновларга қаратадиган жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, «а»-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Чилонзор туман судининг ҳукми билан уларга жазо тайинланган. Шунингдек, «Ал-Азиз коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 2002-2003 йилларда коммунал хизматлар учун аҳолидан ноконун равишда 13144,7 минг сўм ортқича ҳақ ўндирилган. Ширкат ходимлари учун, гарчи коммунал тўловлардан тушум режаси бажарилмаган бўлса-да, ноконун равишда тушумнинг 30 фоиздан ортқ, яъни 33,34 фоиз миқдорда иш ҳақи ҳисобланган ва натижада 1365,5 минг сўм ортқича ҳақ берилган ҳамда пул тушуми бажарилмасида 1564,7 минг сўм ноконун равишда мукофот пули берилган. Шу билан бирга гарчи зарурат бўлмасида 17 нафар ширкат ходимига ойлик йўл чипталари учун 679,4 минг сўм маблағ сарфланган. Ширкат аъзойи капитал таъмирлаш аvarия тиклаш хизмати томонидан капитал таъмирлаш ишлари олиб бориб, 839 минг сўм ишларини олиб бориб, 839 минг сўм

ортқича маблағ сарфланган. Бундан ташқари бир неча ҳолатларда ширкат томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишлари тасдиқланмаган. Ширкат раҳбарларининг юқоридagi ҳаракатлари натижасида уй-жой мулкдорларига ҳам 22.201,6 минг сўм зарар етказилган.

Сергели туманидаги «Дилхўш» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан ўтган йилнинг июнь-август ойларида аҳолидан йиғилган 248425 сўм маблағ ширкат ҳисоб қарамига кирим қилинмаган ва банкка топширилмаган. 2003 йил 5 июндан 15 июнигача бўлган муддатда фойдаланиш харажатлари учун пул тўловлари қайд этилмай, бунинг натижасида 65 та хонадон эгаларидан йиғилган жами 1.141.908 сўм нақд пул ҳам банк муассасаларига кирим қилинмаган.

Хамза туманидаги «Фарзанд-коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкатида ўтказилган текширишлар натижаси шунини кўрсатдики, ширкат раҳбари Л.Николаева «ФРЕД» ҳусусий корхонаси билан 2002 йилда бажарилмаган ишлар учун ҳужжатлар расмийлаштириш ва аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан кескин прокурорлик таъсир чораларини қўриш тўғрисида топшириқлар юборилган.

Ўтказилган текширишлар уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар, тегишли Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижроси ҳоқимликлар ва уларнинг бўлиналари, шунингдек уй-жой мулкдорлар ширкатлари томонидан қоникорсиз таъминланаётганлигини кўрсатди.

Жумладан, «Фидокор коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари К.Филиппова ва ҳисобчи кассир И.Абдурахмоновларга қаратадиган жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, «а»-банди билан жиноят иши қўзғатилиб, Чилонзор туман судининг ҳукми билан уларга жазо тайинланган. Шунингдек, «Ал-Азиз коммуналчи» уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан 2002-2003 йилларда коммунал хизматлар учун аҳолидан ноконун равишда 13144,7 минг сўм ортқича ҳақ ўндирилган. Ширкат ходимлари учун, гарчи коммунал тўловлардан тушум режаси бажарилмаган бўлса-да, ноконун равишда тушумнинг 30 фоиздан ортқ, яъни 33,34 фоиз миқдорда иш ҳақи ҳисобланган ва натижада 1365,5 минг сўм ортқича ҳақ берилган ҳамда пул тушуми бажарилмасида 1564,7 минг сўм ноконун равишда мукофот пули берилган. Шу билан бирга гарчи зарурат бўлмасида 17 нафар ширкат ходимига ойлик йўл чипталари учун 679,4 минг сўм маблағ сарфланган. Ширкат аъзойи капитал таъмирлаш аvarия тиклаш хизмати томонидан капитал таъмирлаш ишлари олиб бориб, 839 минг сўм ишларини олиб бориб, 839 минг сўм

Хулоса қилиб шунини айтиш лозимки, қонун талабларига риоя қилиш, қонунбузарликларга йўл қўймаслик билангина ишда муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ёлду тутмоқ лозим. Чунки ҳар қандай шароитда ҳам бир кун келиб қўнғир ишнинг қийин қилиши аниқ. Қўнғинг ҳақи эса, албатта тошиб чиқади. ШОҲИДА ИЛХОМОВА ёзиб олди

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўргангил
Домо бўлур...

● Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатингиз. Сиздаги нурдан олар ҳам ўз шамчилорини ёндириб олишсин.

РИБОЯТ. Эронда бир подшоҳ бўлиб, унинг шундай одати бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қўм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қилган пайтда ўша сипоҳларига олдинча-кичи, жанг бўлибдики, булар экан. Шундай бўлибдики, ёлғиз томондан оқлик мингта яқин катта қўшин келиб, уруш хавфи тугилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангги қўшга қўнға қўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилиб, бир нарча қўшга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирага берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этигининг кунжидан қаламдонни олиб, сийах сўзининг остига бир нукта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданда сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз қўшинига юборибди. Улар мактубини ўқиб чиққан, олға юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун «Сийар ул-мулк»-да бир нукта билан 50 минг қилч тормор қилинган деб ёзилган. Шундай қилиб, қудратли душмандан ақл-заковат билан ғолиблик қилинган экан.

БАЙТ:

Бахшлашганда сен
доимо эзмалардан
нари қоч,
Хамманинг тили бурро,
ақлчи — оз одамда.

- Ҳақиқат ёдусига ҳеч қандай бўлут бардош беролмайди. Ҳақиқатга қарши ҳаракат — энг ярамас ва жирканч ҳаракатдир.
- Туз ичган жойингга — қирқ кун салом қил.
- Туз ичиб тузлуқда тулурма.
- Тўғрилиқ одамни балодан қутқаради.

ҲИКОЯТ. Бир ўғри қоронгу кечада ер остидан лаҳм қавлаб, подшоҳнинг хазинасига қиради. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гахварлардан бир рўмолни тўлириб олади. Чикиб кетиш олдиндан олмосдек ялтйраб турган бир нарсасга қўзи тушади. Қоронгу тунда ялтйроқ турган бу нарсани гахварий шамчирок деб ўйлади-да, қўлига олиб ялаб қўрди. Бу — қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарса олмай лаҳм,орқали чиқиб кетди. Эртаси эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар лаҳм қавлаб хазинага кирганлар. Қўзига шундайки, ўғрилганга қимматбаҳо нарсаларини яна жой-жойига қўйиб чиқиб кетганлар, — деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажуб қилиб: — Лаҳм қавлаб хазинага кириб, қимматбаҳо нарсалардан биронтасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар келиб бунинг сабабини айтсинлар. Мен уларга ҳеч қандай жазо бермайман, — деб эълон қилди.

Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб унинг хузурига келди ва таъзим қилиб айтди: — Хазиначингизга лаҳм қавлаб фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг даъли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

— Хўп, шунча меҳнат қилиб, хазинамга киргансан-у, ҳеч нарса олмай чиқиб кетганингга боиси нодур? — деб сўради.

Ўғри айтди:

— Подшоҳнинг тузини татиб кўрдим, туз ҳақиқа рия қилиб ҳеч нарса олмай қайтиб кетдим. Туз ҳақиқа рия қилмаслик ярамас қил-шлар ишдир, — деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-аҳсон қилиб, ўйига қайтишга рухсат берди.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Мирзо Ҳуломахмад одамлари Кобулда одам овлаб, уммат ахтариб юриб тасодифан Нурмухаммади Қўнафуруш ва Қори Кабобий деган кишиларга дуч келиб қолдилар. Хаммага қилган тарғиботини уларга ҳам қўлаб, ўзгаририлган китобларидан биттадан тутқаздилар ва янги пайғамбар таърифини ўхшатиб келтирдилар. Бошқа нарсалар ҳам тавсия этилди. Кобуллик бу икки одам Саид Махмудхон Тўранинг муридларидан эди, улар хайратга тушганча пирларининг олдида Муродхонни маҳалласи томон шошилдилар. Иккиси ҳам ўзларини йўқотгудай алфозда эдилар.

— Тақсир... — Нурмухаммади Қўнафуруш баъзур ҳаяжонини босиб деди. — Айтмоққа тил бормайдиган бир воқеа содир бўлди...

— Жуда ғалати ҳодиса... — қўшимча қилди Қори Кабобий.

— Нима бўлди? — сўради хайрон Саид Махмудхон Тўра. — Тинчликми?

— Ҳиндистондан саккизта жуда гапга чечан, сўзи ўткир кишилар келишиб деса-сангиз, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган гапларни алжираб гапириб юришибди... Ёқа ушлайсан киши.

Нурмухаммади Қўнафуруш шошилмай вазиятни баён қилди ва ўшалар берган ўзгаририлган Қуръон китобини Саид Махмудхон Тўра олдиға қўйди.

Саид Махмудхон Тўра шошилиш китобни варақлай бошлади...

Китоб бошдан охиригача бидъат гапларга тўла эди. Кўп оятлар юлиб олиб ташланган, атай бўлмағур иборалар киритилган, суралар ўрни ўзгартирилган, бузилган... Хуллас, барча ҳаракат ислом динини бузишга, асосларига пугур етказишга қаратилганлиги аниқ кўриниб турарди. Китобни варақлаган сари номақбул ибораларга қўзи тушаверган Саид Махмудхон Тўра китобни ортқ қўлида ушлаб туролмай бир четга қўйди.

Орага жимлик чўкди.

— Нурмухаммади! — деди Саид Махмудхон Тўра ниҳоят. — Келиб бу ҳақда менга хабар берганларингиз кўп яхши бўлибди. Асил мусулмоннинг ишини қилибсиз. Энди уларни меннинг олдимга олиб келингизлар. Пиримиз ҳам сизлар билан кўришмоқчилар, денг. Улар билан учрашайлик, бу жуда зарур...

Саид Махмудхон Тўра бу орада Кобулнинг Кофурини маҳалласида истикомат қилгувчи таниқли дин уламоларидан Мулло Қамаридинхон билан ўзбек уламоси Мулло Зарифхонларга одам юбориб, уларни ушбу учрашувда иштирок этишларини ўттиди.

Учрашув аср намоъидан кейин бўлидиган бўлди. Белгиланган соатда барча тақлиф этилган кишилар Саид Махмудхон Тўра хонасида тўпландилар. Фаройиб мулоқот бошланди.

— Хўш, — сўз бошлади Саид Махмудхон Тўра. — Мана Ҳиндистондан келибсизлар... Эшитдик. Ўзларингизга муридлар ахтараясизлар экан, кишиларга пуллар ҳам берад эмилсиз... Кани бу ҳақда ўз оғизларингиздан эшитайлик-чи.

Ҳиндистонликлар, рўпарчадан ислом дини асоси-ю рухларини чўқур билган таниқли дин уламолари ўлтирганларидан мутлоқ беҳабар ҳеч тап тортмай иккита шохид домланинг қошида ўзларининг буқодиёний дини, унинг тарихи ҳамда янги пайдо бўлган пайғамбар Мирзо Ҳуломахмаднинг фазилатлари ҳақида олиб-тошиб, батафсил гапириб бердилар. Сўз орасида бу динни қабул қилгувчилар кўп нарсаларга эга бўлишларига, пул ва гўзал хотинлар ҳам борлигига шама қилиб ўтдилар... Улар бу мулоқотларидан кейин Афғонистонда Мирзо Ҳуломахмаднинг умматлари ва муридлари сонига яна ҳам қўпайишига заррача шубҳа қилмас эдилар.

Саид Махмудхон Тўра уларнинг сўзларини сабр-тоқат билан эшитди-да, кейин вазмин холда деди:

— Исломи динида, муқаддас Қуръони карим китобида Худованд Томонидан айтилган киши, охириччи пайғамбар Муҳаммад алайҳис-саломдур, ундан кейин бошқа бир пайғамбар дунёга келмайду. Бу қундай равшан бир ҳақиқат. Бир пайтлар Ҳижозда Ямома ўлкасида Бани Ҳанифа қабиласидан Мусайлама Қаззоб деган жонинг ҳам пайғамбарлиги даъвосини қилиб чиққан эди. У ҳам Қуръони каримга янги суралар нозил бўлди, деб жумла жаҳонга жар солганди. Оқибатини жумла жаҳон кўрди. Ҳа, тарихда бундай инсофсизликлар юз бериб келган. Сизларнинг буқодиёний пайғамбарларингиз ҳам ана шундай сохта пайғамбардан ўзга нарса эмас. Кўтариб юрган китобларингиз ҳам сохта китобдир. Ўзингиз бунинг барини қандай йўсинда ташкил этилганлигини билиб турибсиз... Тан олингиз, барча ишингиз сохта ва ғирромдур...

Саид Махмудхон Тўра кейин исломдаги пайғамбарлар тарихидан ўзоқ гапирди. Унинг далиллари ишончи, сўзлари эса залворли жаранглари. Эшитар экалар, Мулло Қамаридинхон билан Мулло Зарифхонлар «Тўғри!», «Ҳа, гап!» деб тасдиқлаб, бош тебратиб ўлтирдилар.

Ҳиндистонлик миссионерлар ҳеч нарса дея олмай қолдилар. Улар бу палла мушталашувда бир-икки мушт ортқ еб, гарангсиз қолган одамни эслатар эдилар. Саид Махмудхон Тўра буни қўриб, уларнинг дини чиндан ҳам ёлғон эканлигига яна бир бор имон келтирди. У қатъият билан сўзда давом этди:

— Бас, шу дақиқадан эътиборан бу ишингизни тўхтатингиз! Сизнинг бутун кирдикорин-

вишлари унинг иштирокисиз бартараф бўлмасди. У том маънода ватандошларнинг зуқко раҳнамоси, иззат-икромли оқсоқоли, маслаҳатгўйи, суянчигига айланган. Биз кейинги воқеаларни қўзатиб бунга яна ҳам амин бўламиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, то Саид Махмудхон Тўра 1952 йилда тўқсон уч ўзбек оиласига бош бўлиб, такор-такор муҳожирлик жабрини тортди Туркияга қўчиб кетгунга қадар Ҳиндистондан ёки Покистондан мана шундоқ бирон оқим, сохта диннинг Афғонистонга кириб келганини биров эслай олмайди...

VII

САИД НЎМОНХОН
ТЎРА ТАШРИФИ

Амир Омонуллохон замонида қувинган учраган Муҳаммад Нодиршоҳ, яъни кейин ўзоқ йиллар Афғонистон подшоиси бўлиб турган Му-

ҳаммад Зоҳир-шоҳнинг отаси, Парижда ҳўкрмонлик қилган топганди. Унинг Тоҳир ва Зоҳир деган икки ўғли бор эди. Тоҳир машина фалокатига йўлиқиб ҳалок бўлди. Нодиршоҳ Зоҳиршоҳ билан кичиккина чойхона тибратиб кун ке-чирар, аммо бир

қулоғи юртда, Афғонистон томонда эди.

Юртда нотинчлик ҳўкм сувар, эл бесаранжомликдан турли мамлакатларга қочиб, жон сақларди. Баъча Сақо ҳўкрмонлик қилган вақтда мамлакат турмуши издан чиқиб кетди, ҳўкмият тепасига келганига ҳали бир йил бўлмай элу юртни қучли норозиликлар тўққини камраб ола бошладилар. Баъча Сақо саводсиз бир одам эди, одатда ҳамма бало-офат, фалокат ана шундай саводсиз одамлар қилидан келарди. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Табиийки, юртнинг донолари, оқсоқоллари бунга чидаб тура олмас эдилар.

Қуллардан бир кун Муҳаммад Нодиршоҳ ўғли Зоҳиршоҳнинг муаллими, мударрис Саид Махмудхон Тўрадан мактуб олди. Нодиршоҳ бу мухтарам уламони яхши билар, унга хўрмати баланд эди. Мактубда Саид Махмудхон Тўра мамлакатда оз бераётган воқеалар, танг вазиятнинг юзга келгани, юртнинг оқил фарзандлари бундай ҳўлға жим қараб тура олмасликлари ва қандайдир чоралар қўрилиши лозимлиги ҳақида қўйиниб ёзганди. Махмудхоннинг охиридаги ушбу сўзлар Муҳаммад Нодиршоҳни қаттиқ ўйлантириб қўйди: «...Алқисса, юртда кимдир ҳўкмиятни қўлга олмоғи керак. Подшоҳ сипиласидан фақат сиз борсиз... Агар Афғонистонда келиш ниятингиз бўлса, бу бизга катта хўрсандчилик бахш этади, инчунин қайтиб келишга мамнуъият ила тақлиф этамиш ва бутун дин аҳли сизга орқа бўламиз, қўллаб-қувватлаймиз, деб ваъда айлантаймиз...»

Муҳаммад Нодиршоҳнинг қўнғлида ҳам қачондир юртга қайтиш ва иложи бўлса, мамлакат маснадига ўлтириш нияти бор эди, чорасизликдангина Парижда кун ке-чириб юрарди. Саид Махмудхон Тўранинг тақлифи унга Аллоҳнинг марҳамати бўлиб тўғли.

У даставвал Ҳиндистонга келди. Унга қўллаб-қувватлагувчилар, ҳар томонлама ёрдам бергувчилар, сафдошлар зарур эди. Ҳиндистонда унга бир жиҳатини ҳисобга олишни маслаҳат бердилар. Бу оқилона маслаҳат эди. Ҳиндистонда Амир Омонуллохон инглизларни Афғонистондан қўвган ҳалоскор сифатида баланд обрўга эга бўлиб, Нодиршоҳни эса оддий қўмондон сифатидагина билишарди. Амир Омонуллохон бир сўзида, иншооллох, Ҳиндистонни ҳам инглизлар зулмидан озод қиламан, деган экан. Шу сабабдан Ҳиндистонлик жаъми миллиятчилар — мусулмонлар ҳам, ҳиндлар ҳам — уни жуда яхши қўришарди. Ушундан ҳўз, вазиятда Муҳаммад Нодиршоҳ бирдан бир тўғри йўлни танадди: ўзини тўғри Афғонистон тахтини эгаллашга эмас, балки Амир Омонуллохонга Афғонистон тахтини қайтариб олиб беришга бел болаган фидойи саркарда қилиб қўрсатди. Натияжада Ҳиндистонликлар унга ёрдам қилини чўздилар.

Шу пайт Ҳиндистонда машҳур туркистонлик туралардан бири истикомат қиларди. Уни Сайидий Махмуд ат-Тарозий дердилар, аммо аҳли илм ва эл-юрт орасида Олтинхон Тўра номи билан машҳур эди. Олтинхон Тўра Туркистондан даставвал Афғонистонга келган ва бир муддат яшаган эди ҳам. Аммо бу ерда айрим ватандошлар унинг катта олимлигини қўролмай, унга нисбатан тўхмату ғийбат уюштириб, бу ўринсинг айўқоқсидир, деган гапни тарқатишга уриндилар.

(Давоми келгуси сонда).

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

гиз муқаддас динимизни оёқости қилишдан иборат эканлиги аён бўлди! Шунга амин бўлингизки, ҳеч ким сизнинг Афғонистонда эмин-эркин юриб, шундай қилишнинг изга йўл қўймайди, ҳа-ҳа, йўл қўймайди!

— Ҳа, ҳеч ким йўл қўймайди! — сўзга қўшилди Мулло Қамаридинхон.

— Чувариани ҳам санабсиз! — истехзо ара-лаш деди Мулло Зарифхон.

— Сизларнинг бу қилишингиз катта жа-золарга лойиқдир. Мен сизларни маҳмадга топшираман, полисини қақиртираман. — Саид Махмудхон Тўра қўлиб қўйди: — ўзим маҳма-дада даъвогар бўламан! Исломи ва динни ҳимоя қилишга ҳаммада тайёрман!

Миссионерлар Афғонистонда ҳали ислом динининг бундай ҳимоячисига дуч келмаган эдилар. Улар хайратдан нима қилишларини билмай бошлари қотди.

Саид Махмудхон Тўра зудлик билан поли-сага хабар бериб ушбу бузғунчиларни тутқу-латган, уларнинг ишини маҳмадга топшир-ди, ўзи даъвогар сифатида қатнашиб, қаттиқ турди. Маҳмада жиҳоти синчилаб ўрганиб, Ҳиндистонлик саккиз миссионерни тошбўрон қилиш ҳақида ҳўкм чиқарди.

Ҳўкм қатъий эди.

Юқорида Кобулнинг Чаман мавзеи ҳақида ёзганди. Анқорига, Чаман мавзеидан бироз нарида бир жарлик, чўқур жой бўлиб, тошбў-ронлар ўтказиладиган машҳўм жой мақомини олганди.

Саид Махмудхон Тўранинг катта ўғли Аҳмадхон шу пайтлар ёш эди, бу воқеалар-нинг шохиди бўлган. Унинг ҳикоя қилишича, суд маҳмадасида Ҳиндистонлик зиндиклардан: «Сиз қандай ақл билан шундай қабиҳ ишга қўл урдингиз? Ким сизни аҳлингиздан оздир-ди, ким сизга ёрдам берди, бу ишга йўллади? Орқаларингизда ким бор?» деб сўраганлари-да, бундай жавоб берилган экан: «Бизни бу ишларга юборган инглизлардир, пулни ҳам, бошқа нарсаларни берган ҳам ўшалар. Қурь-они қаримни бузган, Мирзо Ҳуломахмаднинг пайғамбар деб эълон қилдирганлар ҳам ўша-лардир...»

Кобул аҳли диндан адашганлар қандай жа-зога мустаҳқ бўлганларини ўз қўзлари билан кўрдилар. Миссионерларни жар олдиға кел-тирганларида атрофда жуда кўп одам тўплан-ганди. Хамманинг қўлида иккитадан, уттадан тош... Ҳамма ғазабда... Тошбўрон бошланган-дан кўп ўтмай, бирпасда ҳўдо йўлини унутган гумроҳлар тош остида қўмилиб қўринмай кет-дилар...

Бу воқеа раият аҳли оғзида дoston эди. Ҳамма «Ҳабибия» мадрасаси машҳур мудар-рисининг динимизни асраш, шаънини пок сақ-лаш йўлида қўрсатган жасорати ва қатъияти ҳақида гапирар эдилар. Саид Махмудхон Тўра, бундай ноҳахликларни кўрганда ўзини чина-кам мусулмон деб ҳисоблаган ҳар бир одам жим қараб турмай қаттиқ қўл бўлиб, ўз вази-фасини адо этиб шундай йўл тутмоғи керак, деб ҳисоблар ва бунга ўзи ҳаммаша амал қиларди. Буқодиёнийлар воқеасидан кейин Саид Махмудхон Тўранинг Афғонистон хал-қи, айниқса ватандошлар олдида яна ҳам ҳўрмати ортди. Ватандошлар уни жуда эъзо-лашар эди, бирон бир йигини, тўй-маърака унингсиз ўтмас, турмушининг турфа хил таш-

Шарҳловчи инқибари

НАТО: ИРОҚ ҲАРБИЙЛАРИ МАЛАКА ОШИРМОҚДА

Ироқда давлат бошқарувини маҳаллий халқ вакилларига топшириш жараёни давом этмокда. АҚШ етакчилигидаги коалиция кучлари ва халқаро ташкилотлар томонидан миллий кадрлар тайёрлаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга ошириляб-ир. Хусусан, Ироқнинг хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ходимларини қайта ўқитишга жиддий эътибор қаратиляпти.

Утган сешанба кун Ироқнинг Ставангер шаҳридаги НАТО ўқув марказига Ироқ хавфсизлик кучлари офицерларининг дастлабки гуруҳи келди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, курсантлар орасида махсус хизмат ходимлари, мудофаа ва ички ишлар вазирликлариининг ноҳарбий мутахассислари бор. Улар можароли вазиятларни ҳал этиш, қуролли кучларга қўмондонлик қилиш, тезкор режалаштириш, турли муассасалар ўртасида ҳамкорлигини таъминлаш ишларини ўрганади.

Ўқув маркази раҳбари британиялик генерал-майор Жеймс Шортнинг фикрича, урта ва юқори тарихи офицерларига мўлжалланган ушбу курс Ироқда хавфсизлик тизимини тиклашда муҳим аҳамиятга эга.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎзА шарҳловчиси



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларнинг куну-тун осойишталиги, тинчлиги ва хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, уларнинг кўча ва йўлларда соғ-омон юришлари йўлида кунини тунга, тунини-тонгга улаб хизмат қилаётган шундай инсонлар бор-ки, улар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимларидир.

Ушбу соҳа ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармасининг режа ва кўрсатмаларини сўзсиз бажариш билан бирга пойтахт кўча ва йўлларида ҳаракат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, мартабали меҳмонларни кутиб олиш, кузатиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар автотранспорт воситаларининг техник ҳижатдан созлитини на-

зорат қилиш, автотранспортларда содир этилган ва этилиши мумкин бўлган жиноятларни фош этиш, автотокорхона, ташкилот, маҳаллалар, мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида профилактик тадбирларни ўтказиш каби вазифаларни адо этадилар.

Шунинг натижасида бугунги кунда пойтахтимиз кўча ва йўлларида осойишталик ҳукм сурмокда ва бунга 2004 йилнинг ўн ойлик статистик маълумотларига мурожаат қилинганда ҳам

гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ҳар соҳада ўз ишининг усталари бўлгани каби йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасида ҳам хизматнинг тўғри ташкил қилинганлиги натижасида ҳар бир ходим ўз вазифасига сидқидилдан ёндошмокда. Шу ўринда подполковниклар П.Зиёмов, Б.Таджиханов, Х.Халиков, А.Азизов, О.Хўжаев, С.Ташходжаев, А.Абдуллаев, майорлар Н.Якубов, З.Хидировларнинг номларини алоҳида келтириб ўтиш мумкин. Элу юрт тинчлиги, фуқаролар хавфсизлиги, йўлларнинг ҳамиша хавф-хатардан холи бўлиши йўлида хизматда сергак турган посбонларнинг сермашақат ишларига ривож тилаймиз.

Кўзбўй ЯНГАБОВ

СУРАТЛАРДА: шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси фаолиятдан лавҳалар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаконлар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни биржа савдоларига таклиф этади

БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи — 750 000 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 939 110 сўм.
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 540 396 сўм.
- Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кири тор кўчаси, 34-уйда жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи — 48 648 225 сўм.
- Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган «Олой» бозори асосий биноси фойесининг майдони 16,5 кв.метрга тенг бўлган 19-қисми. Бошланғич нархи — 5 775 000 сўм.
- Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, ғарбий томонида жойлашган «Пойтахт бизнес мажмуаси» биносининг 1-қаватидаги, майдони 16 кв. метрга тенг бўлган қисми (Ц-блоки). Бошланғич нархи — 5 841 600 сўм.
- Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Ж.Остонов кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 124 кв. метрга тенг бўлган бино. Бошланғич нархи — 1 435 560;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор-6/7 манзилида жойлашган, майдони 47 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи — 2 316 603 сўм.
- «Руслан Шамшади» хусусий корхонаси балансида бўлган қўйидаги станоклар:
 - станок СМЖ-357. Бошланғич нархи — 1 400 221 сўм;
 - 1Г 340 П револьверли токарлик дастгоҳи. Бошланғич нархи — 5 338 396 сўм.

Шунингдек, савдоларда Тошкент шаҳрининг Сергели туманида жойлашган «Автоматон» ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидаги, майдони 18 кв.метрга тенг бўлган дўконлар сотилмокда. Хар бир дўконнинг бошланғич нархи 3 000 000 сўм.


Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинги ҳар иш кунинида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-46-61, 132-25-51, факс: 133-20-74.
www.tshmbm.uz; Эл.почта: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

ХАРИДОРЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 баёнига биноан шу йил 16-19 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Халқ истеъмол моллари регионал ярмаркаси» Навоий кўчаси, 25-уйда «Ўзмева-савдо-тузум-санаят-холдинг», «ЎзМДПарранда» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорацияси, «Озиқовқат-санаят», «Егмой-тамаки-санаят», «Ўзгўшт-сут-санаят» уюшмалари хусусий тадбиркорлар ва «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акционерлик компаниялари томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган сут, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, қандолат ва макарон маҳсулотлари, спиртли ва алкоғолсиз ичимликлар, консервалар, қуруқ ва қайта ишланган мева-савзавот ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларга республика худудида жойлашган барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш учун улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.



Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.



Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Телефонлар: 139-46-97, 139-48-26,
139-49-00, 139-43-66

Спорт

МЕДАЛЛАР
ШОДАСИ
БИЛАН

Киргизистон пойтахти — Бишкекда енгил атлетика бўйича ёшлар ўртасида Марказий Осиё республикаларининг II халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг ёш енгил атлетикачилари катта маҳорат кўрсатиб, жами 34 та олтин, кумуш ва бронза нишонларини қўлга киритишди. Хусусан Улуғбек Аҳмедов энг киска масофаларга югуриш баҳсида қаторасига икки бор галаба нашидасини сурди.

Шунингдек, Артём Дятлов, Мансур Отабоев, Абдор Мамадалиев, Азамат Қўчқоров, Хусниддин Ярашев, Азиза Турдикулова, Ситора Хамидова каби спортчиларимиз ҳам нуфузли турнирда биринчи ўринни эгаллашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

ЁШ ЧАВАН-
ДОЗЛАР КУЧ
СИНАШДИ

Сергели туманидаги «Жокей» от спорти клубида мактаб ўқувчиларининг кузги таътил кунларини унумли ўтказиш ва болаларни от спорт турига қизиқтириш мақсадида мусобақа уюштирилди.

Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика Олий спорт маҳорати мактаби, «Жокей» от спорти клуби ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси соврини учун ўтказилган ушбу илк мусобақада 12-15 ёшгача бўлган 20 нафар болалар иштирок эттишди.

Мусобақа иштирокчилари ёш бўлишда, турли йўналишлар бўйича ўз кўникмаларини кўрсатган ҳолда энг муносиблар ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, болалар учун отда оддий юриш йўналишида 1-ўрин Республика Олий спорт маҳорати мактаби вакили Тимур Панаевга насиб этди.

Кўргазмали чиқишлар бўйича 1-ўринни шу спорт мактаби тарбияланувчиси Раиса Раҳматуллаева эгаллади. Тўсиқлардан сакрашда «Жокей» от спорти клуби тарбияланувчиси Фаррух Уринбоева тенг келадиганлар топилмади. Тўсиқлардан ошиб ўтиш машқида эса Республика Олий спорт маҳорати мактабининг яна бир тарбияланувчиси Шерзод Юсупжонов ҳурмат шохсупасининг энг юқори поёнасида жой олди. Жойларни эгаллаш халқ ўйинида эса ОМО спорт клуби шарафини ҳимоя қилган Рифат Мухамдиев зафар кучди.

Бундан ташқари кўргазмаларда чиқишлар ҳам бўлиб ўтди.

Мусобақа ғолибларига Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Аскиячиларимиз тарихидан

ЖЎРА ҚИЗИҚ

Тарихда Қўқон, Марғилон шаҳарлари сингари пойтахтимиз Тошкентнинг ҳам қизикчилари ва аскиячилари кўп бўлган. Исахон қизик (1806-1896), Саидхон аския (1860-1932), Абдулла фонусчи (1828-1914), Жўра қизик (1881-1935) кабилар Чорсудаги Илҳом самоварчи чойхонасида ва тўй йиғинларда кишиларга кулги улашган.

Хамма ҳам қизикчилик кўчасига киривермади. Хаётдаги икки-чи-

кирларни кузатган, кулгили воқеаларни бошидан кечирган, эшитган ва уларни қотириб айта олган кишигини қизикчи бўлиши мумкин. Жўра қизик мана шундай қизикчилардан эди. У Тошкент шаҳрининг Қўқча даҳасидаги «Чигатой» маҳалласида камбағал деҳқон оиласида дунёга келган. Оёқ учида кун кечирган отаси Жўранинг ёшлик чоғидаёқ оламдан ўтганди. Натижада рўзгор тебратиш Жўранинг гарданига тушади. У аввалига отаси касбини давом эттириб, маҳалладошларининг ер қолиш, экин экиш

каби ишларини бажариб, улушини олиб юради, кейинчалик турмушидаги қизик-қизик воқеа ва ҳодисаларни кўриб, ўзичалик латифалар тўкиб, чойхоналарда, тўй ва гурунларда одамларни қулдира бошлайди. Аста-секин оғзаки ҳикоялар тўкиб, тўйлар ва гап-гаштакларда уларни айтиб, кишилар орасида қизикчи бўлиб танилади. У тўкиган ҳикоялар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Барча ҳикоялари қаҳрамонлари қизикчининг ўзи бўлади, ҳатто ўз номидан ҳикоя қилган ҳам.

Куйида Жўра қизикнинг ана шундай ҳикояларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ХАЛОЛ ЙИГИТ

Баҳор ойлари бўлгани учун хамма экин экиш ишлари билан овора, биров ҳовлисида, биров даладаги бонда деҳқончилик билан банд. Бизга ўршаган қизикчиларга ҳеч қимнинг тоби йўқ. Хуллас, менинг ҳам бозорим касодга учраган. Энди нима қиламан, деб бошни қашлаб, чўнтакни қовла-сам, атиги йигирма тийин танга чиқди. Бу онам билан бир маротаба нонушта қилишга зўраг етарди. Эртадан бошлаб мардикор бозорига чиқаман шекилли, дея ҳаёл суриб, чойхонанинг кўча эшиги олдида чўнкайиб ўтиргандим, шу пайт кўчадан башанг кийинган бир бойвачча ўтиб қолди.

Ўринимдан туриб, унга ҳайқирдим:

— Ҳа, бойвачча! Танимай қолдингизми? — дедим ачитиб, Бойвачча таажжубга тушиб, хангу манг бўлди. — Ўн сўм қарз олганингизга мана икки ойдан ошди, қайтариб беришни сира ўйламайсиз-а?!

Овозимни баянлабди гапирганимдан бойвачча доддираб қолди. Нима гап экан, деб чойхона ичкарисида ўтирганлар бирин-бирин ташқарига чиқибди. Мен бўлсам, гапни келган жойидан давом эттирдим:

— Ана, шунақа-да! Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним, экан-да!

Атрофда йиғилган одамлар ҳам менинг ёнимни олишиб, гапга аралашиб, бойваччага лўқма ташлашди:

— Ҳў, бойвачча, олганингиздан кейин қарзни беринг-да! Ким айтди сизни фалончи бойнинг ўғли, деб?

— Тагинам, қарз берган бу йигит анча андишали экан. Агар унинг ўрнида мен бўлганимда эгингиздаги манави житой камзулини, оёғингиздаги амиркон қовушни ечиб олган бўлардим!

Бу гаплардан ранги доқадек оқарган, пешонасидан совуқ тер чиққан бойвачча шарманда бўлишдан чўчиб, чўнтагидан ўн сўмликни чиқариб, менга узатди-ю, лом-ним деммай йўлига равона бўлганди, унинг кетидан яна қақирдим:

— Ҳой, бойвачча! Тўхтанг!

Бечора йигит тагин нима бўлди экан, деган ўйда тўхтади. Унинг ёнига келиб атайлаб, хаммага эшиттириб дедим:

— Мен сизга қарз берганимда пулим майда бўлиб, сиз қайтаргандек битта яхлит ўн сўмлик червон эмасди. Узр, ўшанда ҳатто, ўн сўмга йигирма тийин етмаганди. Мана ўша йигирма тийинингизни олиб кўйинг, — деб чўнтагимдаги тангани олиб, унинг қўлига тутқаздим-да, қўлига шивирладим:

— Олаверинг, бу пулим халол.

Бойвачча қизариб-бўзариб, қафтида тангани ўшлаганича жўнаб қолди. Йиғилган одамлар эса, мени мақтаб, «Жуда халол йигит экан!» дейишди.

Олим ҚўЧҚОРБЕКОВ



Сўқибол

ЧЕМПИОНЛИК МУБОРАК,
«ПАХТАКОР»

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 24-тур мусобақалари пойтахтлик мухлислар кўнглини беҳад шод этди. Ушбу турда ўз майдонида «Бухоро» жамоасини қабул қилган пахтакорчилар ажойиб галабани қўлга киритиб, мuddатидан аввал мамлакат чемпиони номига сазовор бўлишди.

Учрашувга бевосита тўхталадиган бўлсак, шахримизнинг бош жамоаси футболчилари бу сафар ҳам майдонда уюшқоқ ҳолда ҳаракат қилишиб, фақат галаба қозониш иштиёқида тушганликларини ҳеч қимдан яшириб ўтиришмади. Тўқсон дақиқа давомида ҳужумкор, тезкор ва комбинацион ўйин намойиш этган мезонлар меҳмонлар дарвозасига тўртта жавобсиз гол йўллашга муваффақ бўлишди. Мухлисларга қувончли дақиқаларни ҳада этган тўпларни дарвозага Тожиёв, Кирьян, Жепаров ва Кошелевлар йўллашди. Ҳозирча фақат иккитагина беллашууда дуранга эришиб, қолган 21 баҳсда галаба қозона олган тошкентлик чарм тўп усталири яна чемпион дег эътироф этилдилар. Биз кўп минг сонли мухлислар номидан «Пахтакор» жамоасини чемпионлик билан муборакбод этамиз.

Шунингдек, шахримиз шарафини ҳимоя қилаётган олий лиганинг янги вакили «Локомотив» жамоасига ҳам

ушбу турда омад қулиб бокди. Ўз майдонида «Қизилқум» билан куч синашган тошкентлик футболчилар шиддатли ҳужумлар уюштирган ҳолда рақибларига ўйин борасида ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Шу кунги мухлислар бешта голнинг гувоҳи бўлишди. Меҳмонларни 5:0 ҳисобида мағлуб этган «Локомотив» жамоаси кучли олтиликдан ўрин эгаллаш учун яхши имкониятга эга бўлди. Меҳмонлар дарвозасини Идиатуллин (2 та) Дилмухамедов, Ҳайдаров ва Шариповлар аниқ нишонга ола билиб, йирик ҳисобдаги ажойиб галабани таъминлашди.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Металлург» — «Насф» — 0:2, «Сурхон» — «Навбахор» — 0:4, «Андижон» — «Самарқанд-Динамо» — 2:1, «Нефчи» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Машъал» — «Трактор» — 3:2. Навбатдаги 25-тур баҳслари 13 ноябрда бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Қаҳқаҳа

Газеталардан бири: «машҳур инглиз ёзувчиси Р.Киплинг вафот этди» деган хабарни босиб чиқарди. Хабарни ўқигач, ёзувчи газета ноширига қуйидаги мазмунда хат юборди: «Илтимос қиламан, бундан кейин марҳумнинг номига газета юборманг, буна ҳақининг қолган қисmini эса ўзимга қайтариб юборинг. Имзо: Марҳум Киплинг».

Чўнтагида қаҳаси ҳам бўлмаган Уйғониш даврининг улуғ расмони Рафазил Санти бир кун ошхонага кирибди. Тушлик ҳақини тўлашни қўп ўйлаб ўтирмай, бочкачанинг қопқоғини олибди-да, унга кўчада бола кўтариб ўтирган аёл расмини чизибди ва асарни тушликни хақи учун бериб юборибди.

Ҳозирги кунда тасвирий санъатнинг бу ноёб асари — «Мадонна дель Седия» Италия музейларидан бирини бебаб турибди.

Финвизин ўзининг «Норасида» («Думбул бойвачча») асари қаҳрамони Митрафанушкани айнан ҳаётдан олган экан. У Оленинларнинг ўғли Алексей экан.

Айтишларича, ўзини саҳнада кўрган Алексей изтироб чеккан ва бекор юришни ташлаган, барвақт ўйлашни ҳам орқага суриб, ўз устида ишлай бошлаган ҳамда орадан анча вақт ўтгач, маърифатли одам бўлиб етишган. Кейинчалик эса у Петербург оммавий кутубхонасининг президенти бўлган ва кўпгина илмий ишлар ёзган экан.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪОНЛАР

Ҳўжалик юришувчи
сўбектлар раҳбарлари ҳамда
тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
ёълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет
услухда босилади.
2680 нусхада босилди. Қотғи бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, қоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтаинтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шорк» нашриёт-матбос ақциядорлик компанияси
босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.